

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ**

(Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ижтимоий
фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ва барча тоифадаги малака ошириш курслари
тингловчилари учун)

Услубий тавсиянома



Самарқанд – 2013

Д.Рахимова, Д.Хаитова, Н.Умарова. Ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни. Услубий тавсиянома. СамВПКҚТМОИ. 2013. 23-бет.

Ушбу тавсияномада ўқувчи-ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятнинг тутган ўрни, маънавиятнинг асосий тушунча ва мезонлари, ҳуқуқий маданият, унинг тизими, функциялари ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги аҳамияти очиб берилган.

Мазкур тавсиянома умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ижтимоий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар ҳамда барча тоифадаги малака ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

Д.Б.Рахимова ВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси,
ф.ф.н.
Д.Л.Хаитова катта ўқитувчи
Н.Х.Умарова ассистенти

Такризчилар:

Д.Н.Раджабова ВПКҚТМОИ доценти, т.ф.н.
О.М.Ғайбуллаев СамДУ доценти, ф.ф.д.

Муҳаррир:

А. Шерхолов.

ВПКҚТМОИ Илмий кенгашнинг 2013 йил 25июндаги йиғилишида кўриб чиқилган ва 2/3-сонли қарор билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан дастлабки кунлариданоқ, давлат сиёсатининг устувор йўналиши мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлиб келмоқда.

Миллатимиз истиқболи унинг келгусида эришадиган буюк мақоми нафақат халқимизнинг юксак муваффақиятларга ҳамда жамиятимизнинг белгиланган марраларга ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлидан қатъий бориш қобилиятига, балки миллатнинг маънавий куч–қудрати, интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир.

“Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этмоқдамиз. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлари ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади”¹.

Шу жиҳатдан олганда, аҳолининг, хусусан ёшлар ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш ва юксалтириш “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, шунингдек “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунда марказий мавзуларидан бирини эгаллаганлиги эътиборга сазовордир. Ушбу ҳужжаларда мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этилиши жамиятнинг маънавий янгиланиши билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилди.

Аҳолининг замонавий фуқаролик жамиятига хос янги ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини шакллантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий–ҳуқуқий мазмундаги хусусан 1997 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.Т.6.- Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998 –Б. 25

тизимида фуқароларнинг қонунчилигини бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида”, 1997 йилда 22 июлда “Хукукий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва хукукий адабиётларни аҳолига етказиб бериш йўлга қўйиш тўғрисида” Қарор, Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини тузиш тўғрисида”ги, 1996 йил сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, Республика маънавияти ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонлари ва 1998 йил 24 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларни яратиш тўғрисида”ги фармони, 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидадир.

Бундай хукукий ҳужжатларнинг вужудга келиши, ҳаётга жорий этилиши жамиятимизнинг тобора маърифийлашиб, аҳолининг хукукий савияси юксалиб, баркамол авлодни тарбиялашда миллий ғояга ишонч руҳининг ошиб боришини таъминламоқда.

МАЪНАВИЯТ – ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА БОШ ОМИЛДИР

Бугунги кунда маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда бу соҳага улкан ва узлуксиз эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқ ва маърузалари, мақола ва чиқишларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Бу борада юртимизда кўплаб амлий ишлар қилингани жамоатчиликка яхши маълум. Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга озиқ ва қудрат бағишлайди, Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш - онгсиз ва руҳсиз махлуқларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамга хос фазилатдир.

Маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. Тилимизда “ Бамани одам” деган ибора бор. Бу иборага лойиқ кўрилиш улуғ бахтдир. Ва аксинча “Бемаъни одам” дейиш кучли ҳақоратдир, бу – ҳайвонсифат дейиш билан барообар. Маънавият –жамиятнинг миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобиляти, идрокини мажасамллантирувчи тушунча. Маънавият ва инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йўналишининг бош омилидир. У муайян ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тизимининг шаклланиши ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равақ этта боради ва аксинча, маънавият қашшоқланса, жамият бора-бора таназулга юз тутди. Мустақиллик йилларида маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгариб, унинг бойиб боришига кучли эътибор берилаётганининг боиси ана шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат куриб бўлмайди. Маънавият жамият ва миллат равақининг бош омили ва пойдеворидир. Ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгаларини, умуман эса, қобилятли ва ўқувли шахсларни кадрлаши, уларга алоҳида ғамхурлик кўрсатилиши, камол топтириши учун етарли шарт-шароитни таъминлаб бериши билан ҳам белгиланади. Ривожланган, маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари миллатнинг юзи, ғурури ва келажаги деб қаралади. Ҳозир ўзбек жамияти ана шу йўлдан бормоқда.

Файласуф олим Жондор Туленов: “Дунёдаги ҳар бир давлат , катта-кичиклигидан қатъий назар, ўз тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж

сезган ва сезади. Бу тарихий заруратдир. Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихнинг бурулиш даврларида айниқса беқиёс бўлади”-дейди. Ушбу “Маънавият асослари ва диншунослик” фани талабаларга ўқитишдан мақсад жамият ва инсон маънавий камолоти, жамиятнинг инсон маънавий юксалишига таъсири ва айтилган вақтда инсон маънавий юксаклигининг жамият тараққиётига ижобий таъсирини ўрганиш, маънавий баркамол инсоннинг асосий хислатларини, Марказий Осиё халқлари маънавияти ва маърифатини ўрганиш ташкил этишини, диннинг келиб чиқиши, эволюцияси, ҳозирги даврдаги ҳолати, инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар беришдан иборат.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти шароитида “Маънавият асослари ва диншунослик” фанини фақат сўз ёрдамида ўқитиш яхши самара бермайди. Шунинг учун дастурнинг мазмунидан келиб чиқиб техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, аудио, видео, киноаппаратура ва компьютерлардан фойдаланиб олий ўқув юртларида қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари, Ислом динида маънавият, мустамлака ва тоталитар тузум даврида ўзбек халқи маънавиятининг аҳволи, муайян динларнинг келиб чиқиши тарихи, диний йўналишлар, мазҳаблар ҳақида ҳикоя қилувчи ўқув фильмлари, слайдларни намойиш этиш, CD компактдисклар, харита, схема, фотография ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Охириги йиллар мобайнида кўпчилик зиёлиларимиз маънавият нима деган саволга жавоб излаб, қизғин изланиш ишлари олиб бораётганликларини айтиш жоиз бўлади. Бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий - ботиний томонларини ҳам қамраб олганлигидадир. Ҳозирда матбуотда ушбу мавзуга бағишлаб кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда. Очигини айтиш керак, бу сўз, бу тушунча «советлар тузumi даврида» кўп ҳам тилга олинмас, муҳокама қилинмас эди. Албатта, бу ҳолатнинг ўз сабаблари мавжуд бўлган. Булар ҳақда кейинги маърузаларимизда алоҳида тўхтаймиз.

Ўқитувчи, аввало, маънавият - инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб туришини алоҳида уқдириб ўтиши лозим. Инсон - табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озик ва қувват берса, маънавият унга руҳий озик ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш - онгсиз ва руҳсиз махлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг руҳий ва ақлий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

“Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларини ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги “маънавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин².

Юқорида айтганимиздек, маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шундай экан, ўқитувчи дарс давомида «маънавият» тушунчасига бир йўла мукамал таъриф беришга уринмаслигини, мавзуга муқаддима тарзида ёндашиб, унинг баъзи жиҳатларини акс эттирувчи таърифларни бериб ўтишини маслаҳат берамиз.

Бу борада ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий қарашларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида, маънавият ҳам борлиқ, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлигини, инсон фикри, тафаккури, ҳис-туйғуси тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлишини уқдириб: «Маънавият авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган куч...»³ деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий кирралари камраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

² Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. “Маънавият”, 2008, 20-бет.

³ Туркистон газетаси, 1999 йил февраль.

Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда «Маънавият» тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таниқли файласуф А.Жалолов «Мустақиллик маъсулияти» асарида «Маънавият - инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»⁴, - деб таърифлаган. «Хаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти» мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукамалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: «Маънавият — инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар»⁵. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, маънавиятсиз ҳаётни қоронғи бир хонага ўхшатади.

Кўринадики, бир муаллифнинг ўзи маънавиятни таърифлашга турлича ёндашадики, бу ҳам маънавиятнинг кўп қамровли тушунча эканлигини кўрсатади.

«Ватан туйғуси» китобининг муаллифлари «Маънавият - жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»⁶, - деб таърифлаганлар.

Бундан ташқари бир қатор олимларимиз анжуманларда қилган маърузаларида «маънавият - инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият - инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларининг акс этиш даражасидир», деб таъриф бериб келмоқдалар. А. Эркаевнинг фикрича, «Маънавият — инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл

⁴ Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 29-бет.

⁵ Мулоқот. 1997, № 5, 15-бет.

⁶ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 111-бет.

инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир»⁷.

Маънавият муаммоси билан анчадан буён шуғулланиб келаётган олимларимиздан бири М. Имомназаров мазкур масалага бағишлаб иккита китоб чиқарди. Муаллиф биринчи китобида «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»⁸, - деб ёзган бўлса, иккинчи китобида «Маънавият - инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди»⁹, - деб ёзади.

Э.Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият - инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бири-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»¹⁰, - деб таърифлайди.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг кўпгина қирралари ўз ифодасини топган ва уларда муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда инсон салоҳиятини ўстириш масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна кўплаб олимларимиз маънавият тушунчасига ўз муносабатларини билдирадилар ва ана шу билдирилган турли фикрлар асосида умумий мукамал таъриф шаклланади, деган умиддамиз.

Ҳалига қадар маънавият тушунчасига мукамал таъриф шаклланмаганлиги сабаб унинг кенг қамровли, мураккаб ва айни вақтда «содда» тушунча эканлигида. Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришдир. Инсон ички, ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз денгиз сингаридир. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик турли-туманлик билан тобланиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Мана шунинг учун ҳам маънавият тушунчасига мукамал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкулроқ.

⁷ Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997, 27-бет.

⁸ Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996, 6-бет.

⁹ Имомназаров М.. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент: Шарқ, 1999, 14-бет

¹⁰ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998, 34-бет.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жохилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир, - деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу таъриф энг охирги, қиёмига етган, мукаммал деб, айтишимиз мумкин эмас.

И.Каримов айтганидек, маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак¹¹.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади, уни белгилаб берадиган омиллардан бири саналади. Одамларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, халоллик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик эътиқоди, ватанпарварлик, миллий ва инсоний ғурур туйғуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли, юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ, Биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият - маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹², - деб кўрсатган эди.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолатида ҳам янги даврнинг юзага келишидир. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларини маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин.

Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, тухмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. Маърифат - билиш, билим, таниш ва маълумот, - деган маънони англатади.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир янги тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг, миллатнинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билан шуғулланганлар. Чунки, маърифат - маънавий қарамлик, кўрқув ва ҳадикни бартараф этади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Мамлакат, миллатнинг озодлиги - унинг маърифий уйғоқлигидадир. Одамзод наслининг улуғлиги эса билимдан.

Билингки, билим ва маънавият ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У инсонларни барча ёмон, ярамас ишлардан, яъники маънавиятсизликлардан тийиб туради. Шу туфайли ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз доимо маърифат ва маънавиятга интилиб яшаганлар. Улар маънавият ва маърифат

¹² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 46-бет.

чироқларини машъала сингари ёққанлар. Юксак маънавият ва маърифат туфайли Турон замин ер юзида шуҳрат қозонган.

Ўқитувчи маърифат ва маънавиятчилик, унинг инсон, жамият ҳаётидаги аҳамияти устида фикр юритиш жараёнида, яна бир нарсага, чунончи маърифат ва маънавият, маънавиятчиликнинг нисбати масаласига ҳам эътибор бериши лозим.

Маънавиятли одамларнинг ҳаммаси ҳам доимо маърифатли, шу билан бирга маърифатли, илмли кишиларнинг ҳам ҳаммаси юксак маънавиятли бўлавермаганлар. Шундай кишиларга қарата ҳақли равишда олим бўлибти-ю, аммо одам бўлмапти ибораси ишлатилади. Бошқача айтганда инсонлар борки, олим эмас. Бўлмаса бўлмас, аммо маънавияти юксак. Олимлар борки, инсон зотига лойиқ эмас. Буниси оғир. Улардан элга, юртга фойда йўқ. Шунинг учун халқимиз: «Олим бўлма - одам бўл», - иборасини ишлатиб келган. Бу маънавият ва маърифат бир-бирини инкор этади дегани эмас. Аксинча, маънавият ва маърифат бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Улар бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради.

Заминимизда камол топган, эл-юртга танилган буюк зотлар, комил инсонлар ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этган алломалар бўлганлар. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳозирги даврда миллий камолот йўли, комил инсонни, соғлом авлодни вояга етказиш йўли мана шу йўл, бундан бошқа йўл йўқ.

МАЪНАВИЯТНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ, УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Маънавият ҳам ўзининг бир қатор категорияларига – тушунчаларига ва ривожланиш қонуниятларига эгадир. Унинг тушунчаларига шахснинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозаллик, сахийлик, самимийлик, ҳайрихоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар; миллатнинг вакили сифатида: миллий ўз-ўзини англаш, миллий ғурур, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устиворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан

хабардор бўлиш ва уни кўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар киради.

Маънавиятнинг юқорида келтирилган тушунчаларидан кўриниб турибдики, маънавият ҳар бир инсоннинг миллат, жамият, давлат ҳаёти, инсонлараро бўладиган ва ижтимоий ҳаётга нисбатан бўладиган муносабатларини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан ташқари, маънавиятнинг бошқа бир қатор тушунчалари ҳам бор. Бу ерда гап уларнинг ҳаммаси устида тўхташ ҳақида эмас, балки маънавиятнинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлиги, у инсон онги, руҳияти, ички дунёсининг салоҳияти, хатти-ҳаракатлари каби бир қатор масалаларни ўз ичига олишини тушуниб етиш ҳақида бормоқда. Маънавиятни чуқур таҳлил қилишда ана шу кўрсатилган тушунчаларни уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қилади. Агар ички салоҳият ночор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллатнинг ўз бир бутунлигини сақлашга ва айни пайтда жамиятнинг юксак тараққиёт поғонасига эришишига салбий таъсир қилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ички салоҳият асосий таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражалари эса объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда бўлишини тақазо этади.

Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиш жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда шахс маънавий камолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган «ўзаро таъсир» ва «ўзаро бойитиш» орқали намоён бўладиган жараёнлар киради. Яъни шахс маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида юзага келади. Ҳеч қачон

шахс, инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан алоқа қилмасдан тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда «соф» миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик ёки кафолат бера олмайди. Жамият ҳам худди ана шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва «таъсирлар» асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир «беради» ва ниманидир «қабул» қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги «таъсир» ва «акс таъсир» қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек маънавият ҳуқуқий маданият билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Маънавий таҳдид деганда, аввалло тили, дини, эътиқодидан қати назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим¹³.

Ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни катта. Ҳуқуқий маданият ижтимоий ва шахс ҳаётининг барча қирралари билан боғлиқ кўп қатламли ходисадир. Мустақиллик Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятга ёндашувнинг янги методологик асосларини тақозо этди. Унга, биринчидан, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, инсонга “барча нарсаларнинг ўлчови”, иккинчидан, шахсга давлат машинасининг бир винти сифатида қарашга асосланган мустабид тушунчадан воз кечиб, унга (шахсга) ижтимоий субъект сифатида қараш”ни кун тартибига қўйди. Ҳуқуқий маданиятга бундай гуманистик ёндашув собиқ шўролар тузумида тарғиб қилинган ҳуқуқий маданиятнинг методологик асосларидан фарқ қилади ва фуқаролик жамиятини барпо этиш принципларига тўла мос келади.

Булар ҳуқуқий маданиятга жамият ва ижтимоий институтлар ҳаёти билан, давлат ва жамият олдида турган вазифалар билан узвий боғлиқликда қарашни тақозо этади. Республикамиз олдида турган ушбу ижтимоий вазифалар нималардан иборат ва улар ҳуқуқий маданият олдига қандай методологик вазифаларни қўяди., деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, жамиятнинг ҳуқуқий-маданий қадриятлардан иккинчи ҳуқуқий-маданий қадриятларига ўтиши ҳеч қачон осон кечмаслиги боис

¹³ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. “Маънавият”, 2008, 13-14бетлар.

прогрессив аҳамиятга эга кучлар, субъектлар тараққиётининг янги моделларини ишлаб чиқиши ва ушбу моделларнинг барқарор ҳаёт тарзига айланиши учун эски, умри тугаган, тараққиётга ғов бўлаётган кадриятлардан воз кечиш механизмларини яратишни тақозо этди. Янгилик, хотто, у илмий-назарий асосланган тақдирда ҳам ўз-ўзидан қарор топавермайди. Уни барқарор ҳуқуқий-маданий кадриятга айлантириш сиёсий, ташкилий, тарғибот, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳатто мажбурлаш усуллари ҳам ишга солишни талаб этади. Жамият ҳаёти ва кишилараро муносабатлар шунчалик ранг-баранг, серқирраки, уларни алоҳида ҳуқуққа ва мавқега эга давлат институтигина амалга ошириши мумкин.

“Кишилиқ тарихи давлат фаолияти орқали яратилади”¹⁴, яъни давлат етакчи сиёсий институт сифатида жамият ҳаёти ва ундаги ўзгаришлар учун масъул бўлади. “Давлат бош ислохотчи” тамойили эса айнан ана шу вазифани адо этди. Республикамиз Президенти Ислам Каримов давлат жамиятдаги барча ислохотларнинг ташаббускори бўлиши зарур, деган ғояни илгари сурганда қанчалик ҳақ бўлганини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Ушбу хулоса ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, тизимлари ва функцияларини белгилашда давлатнинг суверен ҳуқуқини тан олиш ҳамда уни мустаҳкамлаш келиб чиққанлигини кўрсатади. Демак, ҳуқуқий маданиятнинг методологик асоси, аввало, давлатни шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини шарт қилиб қўяди. “Ҳозирги замоннинг ростмана, юксак маданийлашган давлати – бу ривожланган вакиллик ва бевосита демократик институтларга, ўзини-ўзи бошқаришнинг хилма-хил шаклларига эга бўлган, мансабдор шахслар бутун тизими қонун ва вакиллик муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратга бўйсундирилган, бошқариш маҳкамаси ночор раҳбар бўғинлари сайлаб қўйиладиган, ошкора фаолият юритадиган ва мансабдорлари масъулияти таъминланган ҳуқуқий ижтимоий давлатдир.”¹⁵ Ижтимоий давлат юксак ҳуқуқий маданиятни тақозо этади. Демак, жамиятнинг бир ҳуқуқий-маданий парадигмадан иккинчисига ўтиши фуқаро ва уларнинг ихтиёрий уюшмаларидан фарқ қилувчи “суверен ҳуқуққа эга” давлат орқалигина амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий маданият ҳам ижтимоий эҳтиёж ва мақсадлардан четда пайдо бўлмайди, балки аксинча, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий нормалар ва хатти-ҳаракатларда, ҳуқуқий-маданий даражани қарор топтиришда акс эттиради.

Биз, демократик кадриятларга асосланган фуқаролик жамиятини

¹⁴ Каркунов Н.М. Возникновение права//В.Н.Хранюк. Теория и государства и права.Хрестоматия.-М.: Издательство “Интерстиль», 1998, С. 159.Издательство

¹⁵ Исламов З.М.Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: 2002, 29-30-б.

қураепмиз. Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, тизимлари ва функциялари ана шу мақсаддан келиб чиқмоқда ва у ҳаётда тобора чуқур илдиз отмоқда.”...Фуқаролик жамияти-инсоният цивилизациясининг нодир кашфиёти. У юксак маданиятга асосланган демократик тараққиётнинг олий шакли бўлиб, ўзига хос ижтимоий эркин макондир. Бу маконда одамлар бир-биридан ва давлатдан мустақил ҳолда ўзаро ҳамкорликда алоқада бўлишади... Ана шу тариқа фуқаролик жамиятининг шаклланиши бевосита шахснинг индивидуал озодлиги ва эркинлигига, қард-қимматига боғлиқ”¹⁶. Демак, фуқаролик жамияти кишиларнинг ижодий қобилиятларини кенгроқ, қамровлироқ рўёбга чиқариш ва ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш маконидир. Ҳуқуқий маънавият ушбу маконда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини, эркинликларини рўёбга чиқаришда кенгроқ маънода эса ҳуқуқий-маданий бойликлар яратишида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқ – ҳуқуқий маданиятнинг барча элементлари, тизимлари, институтлари билан қатъий боғланган марказий қисмидир. У ҳуқуқий маданиятнинг тизимларидан бири эмас, балки унинг мавжудлиги барқарорлиги белгисидир. Агар ҳуқуқий маданият тирик организм бўлса, ҳуқуқ унинг вужудидаги қон томирлардир.

Субъектлари нуктаи назаридан ҳуқуқий маданият қуйидаги тизимларга эга:

- шахс (фуқаро, айрим олинган киши)нинг ҳуқуқий маданияти;
- ижтимоий гуруҳлар (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ижодий, этник, трансмиллий, диний ва бошқ)нинг ҳуқуқий маданияти;
- жамиятнинг ҳуқуқий маданияти;
- давлат ходимлари ва бошқариш органларининг ҳуқуқий маданияти;
- ҳуқуқ ходимлари ва юридик институтларнинг ҳуқуқий маданияти;
- Олий Мажлис (депутатлар)нинг ҳуқуқий маданияти;

Ҳуқуқий маданият объекти бевосита инсоннинг ўзи бўлгани учун унинг бу йўналишдаги дунёқарабини бойитишга, қамровини кенгайтишига қаратилган саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти катта.

Шу маънода ҳуқуқий маданиятни шакллантириш тадрижий характерга эга. Айни пайтда у фуқароларни қонун ижодкорлигига ва жамиятни демократлаштиришга жалб этиш функциясини ҳам бажаради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқараши ва тарбиясини амалга ошириб қолмай, уларни ҳуқуқий-маданий бойликлар яратишга ҳам жалб этади. Бу бойликлар энг аввало, фуқароларнинг қонунларни

¹⁶ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.:”Шарк”, 2003, 7-б.

муҳокама ва қабул қилишда юридик институтлар фаолиятини либераллаштириш жараёнидаги иштирокида намоён бўлади.

Ҳуқуқий маданиятнинг функцияларини қуйидагича таснифлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- адаптив функция;
- маърифий функция;
- тарбиявий функция;
- регулятив-норматив функция;
- интегратив функция;
- коммуникатив функция;
- ижтимоийлашув функцияси;
- аксиологик ёки ҳуқуқий-маданий қадриятлар(бойликлар) яратиш функцияси.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар, ўзбек халқи этномаданиятининг қайта тикланаётганлигини, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб қарор топаётган жамиятнинг умумий муҳитини шакллантирмоқда. Ушбу умумий муҳит ёшлар вояга етган муҳит учун ҳам, унинг таълим олган ўқув юрти учун ҳам “фан” ва умумий-ижтимоий парадигма ролини бажаради.

Маърифий функция фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқий ҳаёт ва билимларга оид маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ёшлар содир қиладиган жиноятлар ва ғайриқонуний ҳаракатлар кўпинча уларда ҳуқуқий-маърифий билимларнинг етарли эмаслигидан келиб чиқади. Шунинг учун Республикамида 1997 йилда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”да фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан очиқ танишишини таъминлаш, қабул қилинган қонунлар ва юридик актлар ҳақида уларни мунтазам хабардор қилиб бориш вазифа қилиб қўйилган”¹⁷.

Тарбия — ҳуқуқий маданиятнинг бир функциясидир. Унинг барча функциялари тарбиявий характерга эга бўлиб, у ёки бу даражада, кўламда тарбия билан боғлангандир. Ҳуқуқий маданият мутлақо ўзгармас, субъект ва объектнинг умрбоқий ҳолати эмас. Худди ижтимоий ҳаёт каби юридик нормалар, қонунлар, кишилараро муносабатларни, давлатни, жамиятни бошқариш ҳам ўзгартиришда, ҳаракатда бўлади. Бу омил эса ҳуқуқий

¹⁷ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 8-сон, 23-33-б.

тарбиянинг ҳам ҳамиша ҳаракатда бўлишини талаб этади.

Ҳуқуқий саводхонлик билан ҳуқуқий маданиятни тенг тушунчалар дейишдан йироқмиз, уларнинг бири иккинчиси учун асос, жараённинг бошланиши, албатта. Чунки ҳуқуқий саводли бўлмасдан туриб ҳуқуқий маданиятли бўлиш мумкин эмас. Ана шу нуқтаи назардан масалага ёндашилса, бизда ҳуқуқий саводхонликка ёш авлоднинг мактаб саводи чиқа бошлаганиданоқ киришиши белгилаб қўйилганига эътибор қаратиш лозим.

Жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларини ёшларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг фаоллиги кўп жиҳатдан ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни ижобий ҳал қилишга боғлиқ.

Ҳуқуқий билимни ошириш ва бу борада ўз ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг усуллари ва йўллари ҳақидаги саволга Конституцияни яхшилаб ўрганишни биринчи ўринда кўрсатишган. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг “Аввало аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади”¹⁸, деб қўйган талабига тўла мос келади.

Тадқиқот ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қанчалик чуқур билиб олишса, бу жамиятда тотувликни таъминлашнинг кафолати бўлишини англаб етганидан далолат беради, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши инсонлар хатти-ҳаракатлари тартибга солинишини, уларнинг онгли фаолиятини мақсадли йўналтиришни, ҳам ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлайди.

Ҳуқуқий маданиятни такомиллаштиришда таълим тизими босқичи муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи ёшлар вояга етган муҳитда асосан, табиий ҳуқуққа дуч келишади, сунъий(позитив) ҳуқуқ нормалари билан эса илк бор мактабда танишадилар. Шунини айтиш лозимки мактаб ўқувчисига дастлаб фуқаролик мажбурияти эмас, маънавий масъуллик кузатилади. Мактаб ўқувчиси талабалик муҳитига ўтгач, жамиятнинг тўла ҳуқуқли фуқаросига айланади.Энди унинг зиммасида нафақат маънавий масъулият, балки ушбу масъулиятни бажариш учун юридик жавобгарлик ҳам бўлади. Ҳуқуқий маданият ушбу икки жиҳатни маънавий масъуллик ва юридик жавобгарликни диалектик уйғунликда шакллантиради.

¹⁸ Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.Т.6.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998, 26-б.

Ўзбекистонда сиёсий-ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар негизида гуманистик мақсадлар ётади. Бу эса ҳуқуқий тарбияни, аввало, гуманизм принциплари асосида қуришни тақозо этади.”Гуманизм + Ҳуқуқ” ҳуқуқий маданият тарбиявий функциясининг моҳияти ва характерини ифодаловчи формуладир.

Жамиятдаги фаол ижтимоийлашув ҳолати инсонларнинг ушбу муҳитда яшаб ўз ҳуқ-аъдорини, сўз ва амалларини ифода этиб, йўналтириб боришга ўргатади, ҳуқуқий маданият эса кишини жамият ва давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий нормалар асосида яшашга ўргатади. Қонун устуворлиги тамойиллари орқали юз бераётган воқеалар эса фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг шахс ҳатти-ҳаракатларини ушбу ижтимоий қутилган нормага мувофиқлаштиришни регулятив–норматив функция орқали амалга оширади. Ҳуқуқий маданият ана шу жараёнлар воситаси ўлароқ шаклланиб бораверади.

Интегратив функция ҳуқуқий маданиятдаги миллий ва умуминсоний, тарихий-анъанавий (традицион) ва замонавий (модернизацион), ҳудудий ҳамда минтақавий белгиларни уйғунлаштириб, бирлаштириб келади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишга интилаётгани, дунё халқлари билан интеграцияга киришаётгани ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш ва унга инновацияларни тадбиқ этишни талаб этмоқда. Масалан, Олий Мажлиснинг компьютер технологиясини ҳаётга кенг тадбиқ қилишга оид қабул қилинган қонунида жаҳон тажрибаси ҳисобга олинди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 17 декабрда халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилинган маърузасида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи ва унинг ютуқларидан кенгроқ фойдаланиш ҳақидаги муҳим маслаҳатлари ана шу қонунни яна ҳам изчиллик билан ижро этишга чақириқ бўлди. Шу жиҳатдан жаҳон позитив ҳуқуқидаги илғор демократик тамойилларга ва миллий ҳуқуқ тизимини шакллантиришга мос келадиган жиҳатлардан фойдаланиш интегратив функциянинг асосий ҳусусияти бўлиб қолади.

Коммуникатив функция ҳуқуқий маданиятнинг субъекти ва объекти, замонавий ҳуқуқнинг анъанавий, миллий ва халқаро ҳуқуқ билан мулоқотини, оғзаки, ёзма, компьютер технологияси орқали алоқаларини ифода этади. Ушу мулоқот ва алоқалар жараёнида қатнашаётган... тажриба алмашади, ўз дунёқарашини бойитади. Ҳуқуқий маданий тадбирлар жараёнида пайдо бўладиган жонли мулоқот, алоқа айниқса, ёшларнинг “Ҳуқуқий ҳисси” га, ҳуқуқий онгининг ўсишига самарали таъсир кўрсатади.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш Ўзбекистонда давлат ва ёшлар сиёсатининг устуворлигини билдирадиган ўзига хос ижтимоий белгидир. Чунки ёшларнинг ҳаётга ишонч билан қадам қўйишлари айнан ана шу ижтимоийлашув ва ҳуқуқий маданиятни оширишга боғлиқ. Ҳуқуқий маданият инсон ва жамият маънавий дунёсининг таркибий қисмларидан биридир. Чунки у инсон томонидан яратиладиган барча қадриятларнинг умумийлигини ўзида ифода этади. Бу ҳуқуқий маданият ва ижтимоийлашувнинг энг юқори поғонаси бўлиб, шахсдан, талабадан юксак юридик маълумот ҳамда тажрибани талаб этади. Худди шунингдек, ён атрофда ғайриқонуний ҳатти ҳаракатлар кенг тарқалган бир пайтда, ҳатто шахсий манфаатга зид бўлсада, ижтимоий адолат принципларига, қонунлар талабларига содиқ қолиш ахлоқий-маънавий характердаги ҳуқуқий маданий бойликдир. “Ҳуқуқий маданият нафақат юридик қадриятлар шу жумладан ахлоқий маънавий бойликлар яратишнинг ҳам манбаидир. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

1. Миллий ҳуқуқий мафкура ижтимоий-сиёсий парокандаликга олиб келадиган ғоялар негизида яратилмаслиги керак.
2. Ҳуқуқий мафкура ўтмиш тарихий тажрибаси учун ҳамиша очик бўлиши лозим.
3. Шахс ва жамият манфаатлари ўртасида устунлик мақомларини ўрнатиш эмас, балки оқилона узвийлик муносабатларини қарор топтириш зарур. Шахснинг камолотга эришиши, ҳуқуқ, мажбурият ва бурч уйғунлигининг таъминланиши инсоннинг жамиятга унинг маданиятига бевосита инеграциялашуви орқалигина рўй беради.
4. Ҳуқуқий мафкура Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва унинг ҳимояси, бу жараёнда давлат ролининг кучайиши тамойилларига суяниши зарур. Меъзонларнинг бу қаторини яна ҳам кенгайтириш мумкин.
5. Юксак ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти ва демократик давлатнинг ҳуқуқий камолотга эришган шахсни тақозо қилади ҳамда у ушбу концепсиянинг таркибий қисми ҳисобланиши зарур¹⁹.

Ўқувчилар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда миллий ғоя ва маънавият асослари дарсларида интерфаол усулларида фойдаланиш, ушбу фаннинг ўқитилиши сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Миллий ғоя ва маънавият асослари дарсларида ўқувчи-ёшларнинг ақлий ва

¹⁹ Қувондиқов.И Ҳуқуқий маданият ва миллий ғоя-Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 33-б.

ақлоқий сифатларига таъсир ўтказиш мақсадида ҳамкорлик технологияси фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир ўқувчини кундалик қизгин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчида шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир ўқувчининг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалларини пухта ўзлаштирилишига, ўртоқларига ҳамкор бўлиб ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

- машғулотларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда мавзуларни ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг қайси методлардан фойдаланиб ўрганиш мумкинлигини аниқлаши ва мазкур дарсларни таквим режага белгилаши;

- ушбу мавзу бўйича ўқувчиларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни тайёрлаши;

- ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўтиладиган дарс тури, дарс структураси ва боришини лойиҳалаши;

- утган ва янги мавзулар юзасидан ўқувчилар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак;

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясида фойдаланганда шуни назарда тутиш керакки, ўқувчилар ўз шериклари билан ҳамкорликда ўқув топшириқларини тўғри бажаришлари борасида гуруҳ аъзоларининг фаоллиги, ҳамкорликнинг вужудга келиши, улар ўртасидаги мулоқотда мулоқот маданияти тамойилларига амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, гуруҳ аъзолари машғуот давомида бир вақтнинг ўзида иккита топшириқни бажаради:

- Академик топшириқ ўқитувчи томонидан тавсия этилган ўқув топшириқларини бажариш орқали ўзининг ўқув-билиш ва ижодий фаолиятини ташкил этади ва машғулотдан кўзланган дидактик мақсадларга эришади;

- Ижтимоий-психологик топшириқ-давомида гуруҳ аъзоларининг юксак мулоқот маданиятига эга бўлиш, одоб-осойишталигини сақлаш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам уюштириш назарда тутилади.

Ўқитувчи ҳар иккала топшириқнинг юқори савияда бажарилишини назорат қилади.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиши учун ушбу технологиянинг ўзига ҳос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларнинг мустақил ишлари ўқув баҳоси ва мунозараларни самарали ташкил этиш йўллари эгаллаган бўлиши лозим.

Ўқувчиларда эса дарслик илмий оммабоп адабиётлар устида мустақил ва ижодий ишлаш ўз фикрини қисқа ва аниқ баён этиш, фикрларни асослаш ва далиллаш, мантиқий фикр юритиш, ўқув баҳоси ва мунозараларда кўникмалари шаклланган ва онгли интизом вужудга келган бўлиши лозим.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг “Арра” ёки “Зиг-Заг” методи Э.Аронсон томонидан лойиҳаланган. Ушбу метод ҳам ҳамкорлик методи бўлиб, ўқувчиларнинг фаоллигини, мустақил фикрлашини оширади. Бунинг учун:

- ўқувчилар бир неча гуруҳга бўлиб ўтказилади;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам 5-7 та қисмга ажратилади;
- ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (биринчи матн ва иккинчи матн ва ҳ.к) берилади ва уни ўрганиб чиқиш вазифаси юклатилади;
- берилган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар;
- вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасида етакчилар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар;
- етакчиларнинг фикри гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилиши мумкин;
- барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганидан сўнг мантнлар гуруҳлараро алмаштирилади. Бу босқичда ҳам юқоридаги фаолият такрорланади. Шу тахлитда мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн талабалар томонидан ўзлаштирилади.

Хуллас, таълим муассасаларида инновацион технологияларни қўллаш таълим сифат ва самарадорлигини оширишда ҳамда ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. ”Юксак маънавият –енгилмас куч”.Т.: “Маънавият”,2008/
- 2.Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.Т.6.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.
- 3.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.Т.6.- Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий, иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993.
- 6.Қувондиқов.И Ҳуқуқий маданият ва миллий ғоя-Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- 7.Маматов Х. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари.Т.: “ЮРИСТ-МЕДИА МАРКАЗИ”, 2009.
- 8.Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.:”Шарқ”, 2003.
9. Исломов З.М.Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: 2002.
- 10.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998.
- 11.Каркунов Н.М. Возникновение права//В.Н.Хранюк. Теория и государтсва и права.Хрестоматия.-М.: Издательство “Интерстиль», 1998.
- 12.Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997.
- 13.Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент:, Ўзбекистон, 1996.
14. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Тошкент:, Ўқитувчи, 1996.
15. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996.
- 16.Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998.
- 17.Туркистон газетаси, 1999 йил февраль.

